Хунармандчилик



*Президентимизнинг 2002 йил 29 январдаги янги Фармонига биноан аввал даромад солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинган республика ҳунармандлари ва амалий санъат усталарининг муддатлари яна 3 йилга узайтирилди. Демак, халқнинг азалий қадриятларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларидан яна бири амалга ошди.*

*Шу воқеа сабаб бўлиб, биз умумжаҳон ташкилотларидан бири — ЮНЕСКО эътиборига тушган, республика халқ ҳунармандлари ва усталари уюшмаси раҳбари Намоз ОБЛОҚУЛОВ билан суҳбатлашдик.*

# Бу ёғи ўзимизга боғлиқ

**— Намоз ака, 2005 йил ёзига қадар давлатга солиқ тўламайдиган бўлибсизлар. Бу ғамхўрлик қувонарли, албатта. Шу билан бирга, қўрилган бу чора-тадбирнинг асл моҳиятини, бироз шарҳлаб берсангиз...**

— Яқин ўтмишда чопондўзу пичоқчилар, кулолчию заргарлар назоратда тутилиб, яширинча иш юритишарди. Уста, ҳунармандларга паст назар билан қаралиб, уларга аҳолининг энг охирги табақаси тарзида муносабатда бўлинарди. Асл қиёфамиз, ота-боболаримиз ким бўлганлиги 11 йил ичида ярқираб намоён бўлди. Мана, биргина буюм, лавҳни олинг. Буни ясаш ниҳоятда мушкул. Устадан ўта нозик математик аниқлик ва геометрик ўлчамларни тўғри англашни тақозо этади. Ҳатто баъзи мутахассисларнинг айтишича, лавҳни ўйлаб топган одамнинг интеллектуал дунёси электрон ҳисоблаш машинасининг фаолиятига яқин экан. Бундай маҳсулотларни кўрган хорижликлар соатлаб тикилишади.

1997 йилда ташкил этилган уюшма 5 йил муддатга даромад солиғидан озод этилди. Четга маҳсулот сотишда божхона тўловлари бекор қилинди. Давлат бюджетининг асосини солиқлар ташкил қилган даврларда ҳунармандларга бу сингари имконият ва йўллар очилиши ҳар қандай давлат тарихида ноёб ҳодиса. Бу имкониятларни янада кенгайтиришга нима ҳожат сезилди, деган саволингизга келсак, 2000 йил уюшма аъзолари 8000 нафардан 2002 йил бошига келиб 12000 нафарга етди. Бундай ўсиш баъзи муаммоларни ҳам туғдирди. Жумладан, самарали фаолият олиб бориш учун ҳозирги моддий-молиявий режаларимиз даражаси ҳунармандчиликнинг ўсиш даражасига мутаносиб бўлмай қолди.

**— Узоқ қишлоқлардаги баъзи ҳунарманд усталарда ўзини ўнглаб олиши учун техника воситаси танқис бўлса, айримларида маблағ етишмайди. Уюшмангизга мурожаат этган усталар амалий ёрдам ололдими?**

— Беш йил ичида уюшмамизга ёрдам сўраб мурожаат этган усталарга 50 миллион сўм маблағ ҳисобида техника воситалари олиб бердик. Масалан, риштонлик кулол Иброҳимжон Комиловга замонавий устахона тиклашда кўмаклашдик. Шаҳрисабзлик кулол Аҳад Музаффаровнинг уй-музейини ташкил эттириб, устахона қуришда ёрдам бердик. Ғиждувонлик кулол Алишер Нарзуллаев 1 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитга эга бўлди. Бунақа мисоллар кўп. Яқинда яна ҳунармандларга 80 миллион сўмлик жиҳозлар тарқатишни режалаштираяпмиз.

**— Суҳбатимиз маблағларга келиб тақалди. Ҳунарманд усталар ўз маҳсулотларини хориж давлатларида ёки республикамиз ҳудудларида сотиш учун қандай шарт-шароитлар бор?**



— Қўлда, заргарона ишланган миллий буюм ва осори-атиқаларни хорижликлар қадрлашади. Беш йил ичида уста-ҳунармандларимиз Англия, Голландия, Япония, Франция, Туркия, Италия давлатларида намойиш этилган кўргазмаларда иштирок этишди. Ва ўз маҳсулотларини кўргазмадан сўнг, эркин нархда савдога қўйишди. Жами 100 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотилди. Республикамизда ҳам уларни пуллаш чегараланмаган ва эркин нархларда амалга оширилади.

**— Чет эллардаги кўргазмалар воситасида уюшма фондини, усталар ўз захираларини мустаҳкамлаб олиши учун имконият туғилаяптими?**

— Аслида, шу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ҳам яна 3 йиллик вақт берилди. Бошқа давлатларнинг ҳунарманд усталари уюшмалари билан ҳамкорлигимиз ҳали тўла изга тушмаган. Энди шу соҳада ишларни йўлга қўйяпмиз. «Интернет» тармоғида ўз вет-сайтимизни очдик. Шу кунларда баъзи давлатлардан маҳсулотларимизга қизиқиб, эътибор қаратилаяпти. Куни кеча Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ташкил этган, 6 ой давом этадиган кўргазмада иштирок этиш учун икки вакилимиз учиб кетди. Ҳар ойда иккитадан аъзоларимизни юборишни режалаштирганмиз. Бу кўргазманинг ўзига хос томони шундаки, унда ранг-баранг маҳсулотлар билан бир қаторда, уларни тайёрлаш жараёнлари ҳам намойиш этилади. Шундай кўргазмаларда иштирок этиш учун октябрь ойида Ҳиндистондан, ноябрь ойида яна Германиядан, декабрь ойида Италия ва Туркия давлатларидан таклифлар олганмиз. Йўл харажатлари қисман уюшма ҳисобидан, асосан, аъзоларнинг ўз маблағларидан қопланади.



**— Ҳунармандларнинг шаклланиб келаётган янги авлодларига нисбатан қандай йўл тутасизлар?**

— Вилоятларимизда 97 та уста-шогирд мактаблари ташкил этилган. Ҳар бир устага бештагача шогирд бириктирилган. Шогирд танлашда унинг ёши эмас, қизиқиш ва интилишлари биринчи ўринда назарда тутилади. Ўтган йили қирқ ёшдан ошган аёлларга ҳам миллий кийимларни тикиш сирлари ўргатилди.

**— Уюшма аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турлари хилма-хил. Булар: ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги, кандакорлик, кулолчилик, заргарлик буюмлари, гилам ва атлас тўқиш, зардўзлик ва каштачилик, миллий чопонлар, дўппилар, сандиқсозлик, бешиксозлик, миниатюра рассомлиги, хуллас уларнинг тури 20 га яқин. Турмуш кечириш учун барча зарур маҳсулотларни топиш мумкин. Энди келинг, тасаввур қилайлик. Бир томонда — моҳир ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар. Иккинчи томонда — давлат корхонасида тайёрланган маҳсулотлар. Сиз шахсан оддий истеъмолчи сифатида қайси бирини танлаган бўлардингиз?**

— Маҳсулот сифатига бориб тақалади-да бу саволингиз. Аниқ йўналишда чегара қўйиш қийин. Моҳир усталаримизнинг шундай маҳсулот турлари борки, нафис ва пишиқлиги билан давлат корхонасида чиққан шу маҳсулот туридан юқори туради. Ва улар фақат қўл меҳнатидан жило олади. Лекин юртимиздаги давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, дунё тамаддуни ютуқларини ўзида акс эттира олган маҳсулот турлари борки, улар билан ҳозирча рақобатлаша олмаймиз.

**— Ҳозирча...**

— Ҳозирча беллаша олмаймиз. Лекин беллаша оладиган вақт келади. Яхши ният ярим давлат-да. Энг муҳими, бунга асосий замин 11 йил олдин яратилгани. Бу ёғи ўзимизга боғлиқ.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мамлакат**
**НОРМУРОДОВА**
**суҳбатлашди.**

Ватан ичра Ватан

# Оқёр манзаралари

*Қишлоғимизда Ҳикматулло деган одам бор — дейди Андижон туманидаги Оқёр қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Икромжон Қўшоқов. —Қўли гул уста. У тайёрлаган мебелларни кўриб, олдидан кетолмай қоласиз. Бежирим, чиройли, хорижникидан сираям қолишмайди. Терини қайта ишловчи кўнчиларгаям тараф йўқ. Бу ёғи Қўқону Марғилондан, у ёғи Намангану Тошкентдан келиб олиб кетишаяпти.*

Саккизта маҳалламиз бор. Ҳар бирида кам деганда 85-90 нафар ҳунарманд топилади. Зардўз Муҳайё Иброҳимова, мебелсоз Ҳикматилло Махсумов, тери ошловчи Абдуманноб Мамасолиев, тадбиркор Сайфиддин Исроилов каби ҳамқишлоқларимиз қўлида жило топган буюмлар нафақат мамлакатимиз, балки қирғиз ўтовлари, қозоқ кенгликлари, туркман яйловларигача етиб борган. Миробод маҳалласини бугун ким билмайди, дейсиз. Ана шу дўппидеккина қишлоқда етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотлари шаҳарликлар дастурхонига файз киритяпти.

Ўзаро мулоқотлардан бирида Яккатол маҳалласида истиқомат қилувчи Носиржон Тоҳиров анчадан буён бўш ётган ерни обод қилсам, сув келтириб балиқ парваришласам, деб қолди. Фикрлашдик, маслаҳатни бир жойга қўйдик. Ниҳоят, эзгу мақсад амалга ошди. Қоратумшуқ, дўнг пешона, сазан, оқ амур, лаққа, олабуға, илонбош сингари балиқнинг олди сотувга чиқди.

Ҳозир қишлоқда 7 та новвойхона, 8 та ошхона, ўнлаб чевархона, қанчалаб маиший хизмат шохобчалари мавжуд. Улар кишиларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаяпти. Кейинги икки йилнинг ўзида қишлоқда 120 та янги иш ўрни яратилди. Оқёрликлар нафосат ва гўзалликка ўч. Назаримизда, улар шахсий иморатдан кўра жамоат жойларида барпо этилаётган маданий-маиший иншоотларнинг кўрки, миллийлигига кўпроқ эътибор қаратишаяпти. Бунинг боиси нимада экан?

— Мулкдорларимизда юрт, Ватан, миллат тақдири учун жавобгарлик туйғуси чуқурлашиб бораяпти, — дейди раис. — Энг муҳими, эртанги кунга ишонч кучли. Қишлоқ мулкдори Ҳотамжон Мирзахўжаев тиклаган икки қаватли маиший хизмат уйи, Эргаш ҳожи барпо этган гузар кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз. Дарвоқе, икки оғиз сўз гузарлар хусусида. Ҳар бир қишлоқ ўз миллий гузари билан файзли. Бу анъана тобора такомиллашмоқда. Оқёрликлар кейинги йиллар мобайнида ўз кучлари билан бешта гузар ташкил этишди. 25 та янги кўча чиқарилди. Мингга яқин хонадонда ҳовли тўйлари ўтказилди. Табиий газ, тоза ичимлик суви кириб бормаган кўча ёки хонадон қолмади ҳисоб.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари зиммасига муҳим вазифалар юклангани, уларнинг ваколат доираси тобора кенгайиб бораётганини яхши биламиз. Демак, масъулият ва талабчанлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш масаласини олайлик. Қишлоқда йигирма мингга яқин киши яшайди. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида фойдаланилган газ учун 1 миллион 300 минг, ер-мулк солиғи ҳисобидан 1 миллион 460 минг сўм пул тушди. Унинг бир қисми маҳалланинг ҳисоб рақамида қолишини назарда тутсак, қурилиш-ободончилик ишлари учун қўшимча молиявий имкониятлар вужудга келишини тасаввур этиш қийин эмас.

Маълум бўлишича, Қўрғонча, Пистазор маҳаллаларининг банкдаги ҳисоб рақамида миллион-миллион маблағи бор. Хўш, бу сармоя қайси мақсадлар учун сарфланаётир?

«Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан бир талай тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Чунончи, яқинда қишлоқдаги 80-100 ёшли 180 нафар отахон ва онахон учун дастурхон ёзилди, уларга бир миллион сўмлик совға-салом тарқатилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган табаррук инсонларга эҳтиром кўрсатилди. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди. Боқувчисини йўқотганларга етти юз минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Оқёр... Бу кўҳна ва азим қишлоқ бир ёндан Андижон, иккинчи ёндан Куйганёр шаҳарларигача чўзилган. Унинг кенг ва равон йўлларини оралаб юрсангиз, чаман-чаман очилган гуллар руҳингизни тетиклаштиради, кўзингиз ва қалбингизга бир олам завқ бағишлайди.

— Яқинда гуллар байрамини ўтказмоқчимиз, — дейди Икромжон. — Йўл бўйларида жами 213 хил гул парваришланаяпти. Ҳозир ушбу тадбирга тайёргарлик қизғин. Сиз ҳам келинг...

— Илгари Оқёрдан ариза ва шикоятлар кўп бўлгучи эди. Энди-чи?

— Шикоятбозликка одамларнинг вақти йўқ. Оқёрликман, деган киши борки, яратувчилик меҳнати билан банд. Шу боис, шаҳар ва қишлоқларимиз йил сайин чирой очаяпти-да. Кўз ўнгимизда яшнаб-яшариб бораётган Оқёрнинг бугунги файзи, таровати, кўрку салобати фикримизга жонли мисолдир.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИДА
«ЭҲТИРОМ» ЖАМҒАРМА ОМОНАТИНИ (1 ЙИЛ МУДДАТГА)
таклиф этади.

**Йилига 42% даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига 51,1%ни ташкил этади**
*(омонатлар 50 ёшдаги ва ундан кекса бўлган фуқаролардан қабул қилинади).*

*Шунингдек, қуйидаги бошқа турдаги омонатларга ҳам пул қабул қилиш давом этмоқда:*

**«СЎМ КАРТОЧКАСИ»** (пластик карточкалар қўлланилган ҳолда) — йилига **36 фоиз** даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига **42,6%.**
Карточка эгаларининг ҳаёти ва саломатлиги бепул суғурталанади.

| | | |
|---|---|---|
| **«ТАЪТИЛ»** (муддати 3 ой бўлган бу омонатнинг ҳисоб варақлари талаб қилиб олинмаган тақдирда шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) | — | **йилига 36%;** |
| **«ТЎЁНА»** (2 йил муддатга) | — | **йилига 30%;** |
| **«САРПО»** (3 йил муддатга) | — | **йилига 31%;** |
| **«КЕЛАЖАК»** (камида 5 йил муддатга) | — | **йилига 40%;** |
| **«МУДДАТЛИ»** (5 йил муддатга) | — | **йилига 40%;** |
| **«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА»** | — | **йилига 10%.** |

NBU

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингиз сақланиши ва даромад келтиришига кафолат беради.**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари: (998-71) 137-62-83, 137-62-81 ёки Миллий банкнинг исталган муассасаси орқали олишингиз мумкин.
www.nbu.com

6085/1496

## «Очиқ хазина»дан дунё фойдаланади

Бухоро меъморий-бадиий музей-қўриқхонада Зарафшон воҳаси моддий ва маънавий маданиятига доир 70 мингдан зиёд экспонат бор. Шу пайтгача уларнинг атиги 15 фоизигина томошабинларга намойиш қилинарди. Қолганлари эса узоқ йиллардан бери фондларда, оддий томошабинлар назаридан четда сақланмоқда. Яқинда музей ходимлари АҚШнинг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширган лойиҳа туфайли олимлар, тадқиқотчи ва томошабинлар барча экспонатлардан фойдаланишига имкон туғилди.

«Очиқ хазина» деб номланган лойиҳа асосида музей-қўриқхонада шу номдаги компьютер маркази иш бошлади. Америка элчихонаси замонавий техника харид қилиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олди. Айни кунда 10 мингдан зиёд археологияга, 20 мингга яқин нумизматикага, 8 минги этнографияга, 19 мингдан ортиқ қадимий китоб санъатига оид экспонатларнинг паспорт ва ранг тасвирлари электрон хазинага киритилмоқда.

Эндиликда хориждаги Бухоро тарихи тадқиқотчию ихлосмандлари «Интернет» тармоғи орқали мазкур экспонатлар билан танишишлари мумкин. Республикамиз музейлари ишида илк тажриба бўлган бу марказ очиқ музей жамоасининг жаҳон музейлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**Амрулло САМАДОВ.**

## "Устюрт"нинг ўз чарми

**Қўнғирот туманидаги "Устюрт" ширкат хўжалигида яшовчи Жангабой Аймамбетов хайрли ишга қўл урди. У терини қайта ишлаш корхонаси ташкил этди. Хўжалик чорвачиликка ихтисослашган эмасми, шу боис хомашё мўл, чармдан тикилган кийим-кечакларга эҳтиёж ҳам етарли.**

**— Дастлаб хўжалигимизда яшовчи 40 нафар чўпонга чарм пўстин тикиб бердик, — дейди тадбиркор. — Энди қўшни хўжаликлардан, бошқа туманларда яшовчи чўпонлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.**

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК
"Lok Kolor Sintez" QK
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА
Лак-бўёқ маҳсулотлари
таклиф этади:
Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.

Қурилиш эҳтиёжлари учун:
- уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
- ташқи деворлар учун бўёқлар;
- том учун бўёқлар;
- алкид ва акрилат эмаллари;
- полларни бўяш учун бўёқлар;
- ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
- грунтовка ва шпатлевкалар;
- L 80,100,120мм.ли михлар;
- эмульсиявий,силикатли елим.

Саноат эҳтиёжлари учун:
- универсал алкид бўёқлари;
- том учун бўёқлар;
- алкид-уретан эмаллари;
- акрилат эмаллари;
- грунтовка ва шпатлевкалар.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган
МР-3 русумли
ЭЛЕКТРОДЛАР

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари
ИШ КИЙИМЛАРИ:
- узун енгли эркаклар иш костюми;
- калта енгли эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий халати;
- эркаклар тиббий халати;
- эркаклар иш халати;
- ошпазлар курткаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар,

шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:
- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;

шунингдек:
- дастурхонлар;
- дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
- ип газламали салфетка;
- 85х50 ўлчамдаги сочиқлар.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru Web site: UZBEKISTON.h1.ru

5300/138

